130695

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 10 июнь, шанба. №69 ( 21.832.) Сотувда эркин нархда.

## СИНАШТА ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ РОБИТАЛАРИ





**СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис билан яккама-якка суҳбати пайти. 2. Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.**
**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6-8 июнь кунлари давлат ташрифи билан Латвия ҳамда Литва Республикаларида бўлиб қайтди.

Болтиқбўйи мамлакатлари собиқ Иттифоқнинг барча республикалари қатори машаққатли даврни бошдан кечирди. Дунёда сиёсий қарамликдан ёмон кулфат йўқ. Олис ва бой тарихга, теран маънавий илдизларга эга ҳамда ўзлигини билган халқ учун эса мутеликда яшаш янада оғирроқ. Шу маънода Латвия ва Литва халқларининг эркка, мустақилликка эришиш, демократик қадриятларга асосланган мутараққий давлат барпо этиш учун қатъий ва матонатли кураши эътиборга моликдир.

Латвия Республикаси 1992 йилнинг октябрида, Литва Республикаси 1992 йил августида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди ва мамлакатимиз билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйди. Шундан буён истиқлол туфайли миллий ва маънавий ривожланиб бораётган халқларимиз учун ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик соҳасида янгидан-янги имкониятлар очилмоқда. Болтиқбўйи минтақасидаги мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар жабҳасида эришган ютуқлари, шунингдек, минтақа интеграцияси борасидаги тажрибалари ислоҳотларнинг ўзига хос ва мос йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон учун қизиқарлидир. Чунки бугунги кунда Ўзбекистон, шунингдек, Латвия ва Литва ҳам нафақат мамлакат ривожи, балки ўз минтақалари тараққиётига ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис билан Рига қўрғонида бўлиб ўтган мулоқотида, шунингдек, Литва Республикаси Президенти Альгирдас Бразаускас билан Вильнюсдаги Президент саройида ўтган яккама-якка суҳбатида ҳам учала мамлакатда кечаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар ва минтақавий интеграция масалалари ҳақида гап борди. Шунингдек, давлатчиликни мустаҳкамлаш, Европа ва Осиё минтақавий муносабатлари, жумладан, мустақил давлатлар ҳамдўстлигида кечаётган жараёнлар хусусида ўзаро фикр алмашинди. Ислом Каримов билан юзма-юз суҳбатда Президент Г. Улманис Латвия Республикаси МДҲ собиқ СССР қабилидаги якка давлат ҳукмфармолигига бўйсунадиган тузилмага айланиб қолмаслиги йўлида Ўзбекистоннинг интилишларини юксак баҳолади. Вильнюсда ўтган олий даражадаги мулоқотлар чоғида эса Президент А. Бразаускас И. Каримовни Ўзбекистон Республикаси НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилгани билан қутлади ва бу қадам Ўзбекистонга Европа ва Осиё ҳудудларидаги янгиланишларни янада очиқроқ баҳолаш имкониятини беришни қайд этди. Ўзбекистон Президентининг Латвия ва Литва Президентлари билан мулоқотларида ҳар учала давлатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотидаги фаолияти жаҳонда демократия, тинчлик ва фаровонлик барпо этиш йўлида мазкур мамлакатларнинг ҳамфикр ва ҳамжиҳатлиги учун хизмат қилади, деган тўхтамга келинди.

Мазкур ташриф чоғида И. Каримов Г. Улманис билан Ўзбекистон Республикаси ҳамда Латвия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, А. Бразаускас билан эса Ўзбекистон Республикаси ҳамда Литва Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади. Олий даражада тасдиқланган ушбу икки ҳужжат Ўзбекистон билан Латвия ҳамда Литва ўртасида икки томонлама муносабатларни халқаро ташкилотлар низом ва қоидалари, халқаро ҳуқуқ нормалари, ўзаро ҳурмат ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш ва ривожлантириш учун томонларга мажбурият юклайди. Шунинг баробарида бу ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликни истиқболда янада мустаҳкамлаш учун замин ҳозирлайди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Латвия Республикаси ҳукумати ўртасида транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан Литва Республикаси ҳукумати ўртасида таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамда божхона қонунини бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ушбу ҳужжатларни мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари имзоладилар.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида 1994 йилда ўзаро товар айирбошлаш 121,8 миллион сўмни ташкил этди. Мамлакатимиз Латвиядан электр машиналар, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, эфир мойи, қора металл сотиб олиш эвазига ушбу ҳамкор республикага рангли металлар, ипак, пахта ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Шу ўринда «Дзинтарс» Латвия акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон бозоридаги фаолияти хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ҳозирда Ўзбекистон учун махсус «Волида», «Саодат», «Истиқлол» сингари атирларни ишлаб чиқаряпти. Шу кунларда Тошкентда мазкур жамиятнинг Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонасини тузиш, шунингдек, «Дзинтарс» фирма дўконини очиш масалалари ҳал этилмоқда.

Республикамиз билан Литва ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ривожи ҳам самарали бўлмоқда. Ўтган йили икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 248,6 миллион сўмдан иборат бўлди. Литва Республикаси Ўзбекистонга электр ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сут ва сут маҳсулотлари, мебель саноати маҳсулотларини юбориб, мамлакатимиздан пахта, нефть, рангли металлар харид қилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки билан Литванинг Литимпекс банки ўртасида корреспондентлик муносабатлари тикланди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон—Латвия ҳамда Ўзбекистон—Литва савдо-иқтисодий муносабатлари ҳозиргача ушбу мамлакатларнинг салоҳияти ва мавжуд имкониятлари даражасида эмас эди. Ўзбекистон Президентининг сафари пайтида имзоланган ҳужжатлар бу борадаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаради.

Сафар мобайнида Болтиқбўйи ишбилармон доиралари вакиллари билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. Рига биржаси биносида ўтган ана шундай мулоқотда республикамиз Президенти Ўзбекистон билан Латвия давлатларининг хўжалик ва маданий салоҳиятини таққослаб, мавжуд имкониятлар икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг янги қирраларини очиши мумкинлигидан дарак беришини қайд этди. Ўзбекистон Латвиянинг ВЭФ, РАФ заводлари, вагонсозлик заводи, ёғочни қайта ишлаш корхоналари маҳсулотларига, айни пайтда, транзит ва коммуникация тизимлари, портларига жуда қизиқаётгани хусусида сўзлар экан, Ислом Каримов Ўзбекистонда Латвия маҳсулотлари харидоргирлигини ва бу маҳсулотларнинг ғарб товарларига нисбатан арзон эканини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик Латвия учун ҳам фойдалидир. Чунки, республикада нодир ва ноёб ер ости бойликлари сероб, шунингдек, Ўзбекистон дўст мамлакатни нефть, газ, пахта каби стратегик маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятига эга.

Литвалик ишбилармонлар билан Вильнюсдаги ҳукумат уйида ўтган учрашувда ҳам республикамиз раҳбари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, иқтисодий салоҳияти, мамлакатимиз билан Литва ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар имкониятлари ва ҳамкорлик истиқболлари, хорижий шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар хусусида гапирди. Ўзбекистон, аввало, Литванинг транспорт-хўжалик коммуникациясига, денгиз йўлига, хусусан, Клайпеда портига қизиқиш билдираётгани, Ўзбекистонни Литва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган Литва корхоналарини қуриш имкониятлари тўғрисида фикр билдирилди. Литванинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон бозорига интилиши кучли эканини ҳисобга олиб, Ислом Каримов мамлакатимиз дўст республика тўқимачилик ва енгил саноатини пахта толаси билан узлуксиз таъминлаши мумкинлигини маълум қилди.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Литва Президенти ҳамроҳлигида Вильнюс шаҳридаги «Аудеяс» гобилен ишлаб чиқариш фабрикасида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди. Икки мамлакат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, ҳар йили минглаб тонна ўзбек пахтасидан чиройли ва бежирим гиламлар, бошқа хил тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ушбу корхонанинг Ўзбекистон—Литва иқтисодий муносабатларида тутган ўрнини юксак баҳоладилар. Учрашув чоғида «Аудеяс» корхонаси раҳбарлари Ўзбекистон тўқимачилари билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш ниятини билдирдилар. Бу таклифни Президент Ислом Каримов маъқуллади.

Ўзбекистон кейинги йилларда иқтисодий ўзгаришлар билан кифояланиб қолмай, ҳокимият бошқарувининг жаҳонда тан олинган усулларини ўзлаштириш борасида ҳам бир талай янгиликларни амалга оширмоқда. Илк дафъа демократия ва кўппартиялилик асосида ўтган сайловлар натижаси ўлароқ мамлакатимизда 250 нафар депутатдан иборат республика Олий Мажлиси фаолият бошлади. Янги парламентнинг дастлабки икки сессиясида элимиз тинч-фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида хизмат қиладиган бир қанча қонунлар қабул қилингани ҳам Олий Мажлис ўз вазифасини муваффақиятли бошлаганидан далолат беради. Шунинг баробарида республиканинг қонунчилик бўйича олий органи фаолиятини такомиллаштириш борасида изланишлар тўхтаган эмас. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Латвия Республикаси сейми ҳамда Литва Республикаси сеймида бўлиб, ушбу парламентлар раҳбарлари билан суҳбатлашди, уларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишди.

Болтиқбўйи республикалари жаҳоннинг турли сиёсий тузилмалари, халқаро ташкилотлар билан яқин муносабатларни йўлга қўймоқда. Хусусан, Латвия ва Литва Европа Иттифоқига аъзо бўлиш арафасида турибди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашув тўғрисидаги протоколнинг имзоланиши Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлиги ривожига хизмат қилиш баробарида Европа ҳамда Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшади. Қолаверса, Болтиқбўйи давлатлари билан ҳар томонлама алоқалар Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидек нуфузли ташкилот билан муносабатларини янада мустаҳкамлайди.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон ўзининг синашта дўстлари билан яна дийдорлашди. Бу дийдорлашув жаҳонга юз тутган келажаги порлоқ учала ҳамкор мамлакат, уларнинг халқлари учун бирдек хайрли ва фойдали экани шубҳасиз.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Рига-Вильнюс-Тошкент.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, Тошкент ва Ўрта Осиё рус православ черкови епархиясининг миллатлараро тинчликни, фуқаролар тотувлиги ва мамлакатимиздаги турли динларга эътиқод қилувчилар дўстлигини мустаҳкамлашдаги мавқеини юқори баҳолаб:

1. Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Свято-Успенский кафедрал собори ҳузурида диний-маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йил ноябрь ойида епархиянинг 125 йиллиги тантаналарини ўтказиш тўғрисидаги мурожаати қўллаб-қувватлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими:

Тошкент шаҳар Кафанов кўчасидаги Свято-Успенский собори ҳудудини кенгайтирган ҳолда епархиянинг диний-маъмурий марказини лойиҳалаштириш ва қуриш учун қўшимча ер майдони ажратиш бўйича:

ободонлаштирилаётган зонадан кўчирилаётган оилалар учун 1995 йил мобайнида зарур миқдорда қулай квартиралар ажратиш бўйича, уй-жой билан таъминлаш харажатлари қиймати епархиал бошқармаси маблағлари ҳисобидан тўланган ҳолда;

бир ой муддатда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қурилиш майдонини тозалаш, Свято-Успенский собори ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан тайёргарлик ишларини бажариш бўйича;

давлат мулки қўмитасининг шаҳар бош бошқармаси «Тошуйжойлойиҳа» институти билан биргаликда «Гуландом» кафеси иморатларининг қийматини аниқлаши ва қилинган харажатлар кейинчалик епархия бошқармаси томонидан тўланиши шарти билан уни епархия бошқармасига хайрия мақсадларида фойдаланиш учун бериш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ташкилий чора-тадбирларни кўрсин.

3. Епархиянинг диний-маъмурий маркази қурилиши сабабли бузиладиган иморатларни бўшатиш зарурлиги муносабати билан:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда республика суд-тиббий экспертиза бюросини бошқа тенг бинога қайта кўчириш масаласини ҳал қилсин.

«Дори-дармон» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувхўжаликлойиҳа» институти билан биргаликда 4-дорихонани кўчириш масаласини 1995 йил 1 июлгача ҳал қилсин.

4. Тошкент қурилиш бош режаси илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти ва Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва ободонлаштириш давлат лойиҳалаш институти епархия бошқармаси буюртманомаси бўйича диний-маъмурий марказ биноларини лойиҳалашда техник ёрдам берсинлар.

5. «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси 1995 йилнинг иккинчи чораги мобайнида епархия бошқармаси маблағлари ҳисобига Свято-Успенский собори атрофида тўсиқ ўрнатилишини, шунингдек,шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини назарда тутган ҳолда диний-маъмурий марказ қурилишининг биринчи навбатини 1996 йил августидан кечиктирмай ишга туширишни таъминласин.

6. Епархия фаолиятига кундалик амалий ёрдам беришни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита штат жадвалига қўшимча иккита штат киритилсин.

Молия вазирлиги Дин ишлари бўйича қўмитага кўрсатиб ўтилган мақсадларга республика бюджетидан қўшимча маблағлар ажратсин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита Тошкент шаҳрида 1995 йил сентябрда «Бир само остида» шиори остида халқаро конференцияни ва 1996 йил ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида бошқа мамлакатлардан меҳмонларни таклиф этган ҳолда рус православ черкови епархиясининг 125 йиллиги тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишда амалий ёрдам берсинлар.

8. Республика оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрида рус православ черкови епархияси 125 йиллигига тайёргарлик ишларининг бориши ва ўтказилишини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 июнь

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Таваллуд куним муносабати билан йўллаган унутилмас табрикномангиз учун Сизга чин кўнгилдан ташаккур изҳор этаман.

Шарқнинг фозила аёллари қаторида менинг исмимни ҳам тилга олиб айтган сўзларингизни ижодимга берилган ғоят юксак баҳо деб қабул қиламан.

Мен жуда бахтлиман. Халқим билан бирга асрий орзумиз бўлган буюк истиқлолни кўриш саодатига мушарраф бўлдим.

Сизнинг «армонлардан тирик орзулар яратган» бардош ҳақида айтган сўзларингиз энг оғир кунларимда менга мадад бўлган буюк халқимнинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини ўзида мажассам этгандир.

Зеро, айрилиғу саодат ҳам, садоқату матонат ҳам азизу мўътабар момоларимиздан бизга меросдир.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Халқимизнинг ўз қадру қаддини тиклаётган, тарихий воқеаларга бой бугунги ҳаётимизда Сизнинг фидойи раҳнамолигингиз алоҳида ҳурмат ва эътирофга моликдир.

Маълумки, тарихий бурилиш босқичида халқ тақдирини яхшиликка йўналтирувчи улуғ йўлбошчилар иши — ҳал қилувчи қудратдир.

Бугун ён қўшним — жон қўшним Тожикистонда бирордаркушлик давом этяпти. Озор элида, Гуржистонда — нотинчлик, Чеченистон уруш асоратларидан яқин йилларда фориғ бўла олармикин? Ана шуларни ўйлаганимда она тупроғим — Ўзбекистондаги осойишталик учун шукроналар айтаман. Ана шундай мураккаб даврда юртимизда фақат тинчлик, осойишталикни таъминлабгина қолмай, халқнинг маданиятини ўстиришга алоҳида эътибор берилаётганига шукроналар айтаман.

Улуғ ёшга етганимдаги ҳаётий хулосам шуки, фақат аҳилликкина мамлакатни обод этади, халқни кенг тараққиёт йўлларига олиб чиқади. Биз, барча касб эгалари, хусусан, адиблару санъаткорлар қўлни-қўлга бериб, ҳар қандай майда-чуйда эҳтиросу адоватлардан воз кечиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек буюк мақсад йўлида фидойи бўлиб, меҳнату ижод этишимиз керак.

Шундай юксак ҳурмат, ишонч ва эъзоз учун Сизга яна бир бор таъзим бажо келтираман.

Илоҳим, Сиз тутган йўл, биз ишонган йўл, Ўзбекистон йўли ҳамиша оқ, чароғон бўлсин!

**Сизга самимий ҳурмат ила ЗУЛФИЯ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### ҲУСАНХЎЖАЕВ САИД АҲМАДНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, республикада яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 июнь.

## СЎЗ САНЪАТКОРИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон халқ ёзучиси Давлат мукофоти лауреати Саид Аҳмад 75 ёшга тўлди. У қарийб 60 йилдирки, ижод билан машғул. Шу давр мобайнида адибнинг элликдан ортиқ китоби нашр этилди. Бугун мамлакатимизда унинг асарлари кирмаган хонадон йўқ десак, муболаға бўлмайди. Ёзувчи асарларининг кўпи хорижий тилларга таржима қилинган.

Ижодини ҳажвий ҳикоялар ёзишдан бошлаган Саид Аҳмад кейинчалик йирик асарларга ҳам қўл урди. Айниқса, «Уфқ» трилогиясини китобхонлар севиб кутиб олди. «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедиялари кўп йиллардан бери театр саҳналаридан тушмай келади. Улкан сўз санъаткорининг «Муҳаббат можароси», «Тўйлар муборак», «Куёв» фильмлари ҳам эл орасида машҳур.

9 июнь куни Тошкентда адиб юбилейига бағишланган тантанали кеча бўлди. Алишер Навоий номидаги Катта академик театрга жамоатчилик вакиллари, адибнинг мухлислари, қаламкаш дўстлари йиғилди. Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов очди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев юртбошимизнинг Саид Аҳмадни Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва йиғилганларнинг қарсаклари остида орденни адиб кўксига тақиб қўйди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида гапирди.

Республика жамоат ва ижодий ташкилотларининг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар меҳнаткашларининг вакиллари, хорижий меҳмонлар адибни муборак ёши билан қутладилар.

Кеча сўнгида Саид Аҳмад кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Республика санъаткорлари ва ҳажв усталари ижросида катта томоша кўрсатилди.

Юбилей кечасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов қатнашди.

**(ЎзА).**

